

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2023 йил биринчи ярим йиллигида амалга оширган ишлари тўғрисида А Х Б О Р О Т

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Сайлов кодекси, “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги Қонун, МСКнинг регламенти, шунингдек, МСКнинг 2023 йил 18 январдаги қарори билан тасдиқланган “Марказий сайлов комиссиясининг 2023 йил биринчи ярим йиллигига мўлжалланган иш режаси”да белгиланган еттига энг муҳим устувор йўналиш бўйича олиб борилди.

Биринчи, Ўзбекистон Республикасида сайловлар ва референдум ўтказиш учун тузиладиган сайлов комиссиялари томонидан сайлов ва референдумга оид қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш ва уларнинг бир хил тарзда қўлланилишини мониторинг қилиш;

Иккинчи, сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш амалиёти, халқаро ташкилотлар тавсиялари ва хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш;

Учинчи, сайлов (референдум) комиссиялари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, сайловларни бошқариш ахборот тизимини модернизация қилиш, сайлов (референдум) жараёнида ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

Тўртинчи, сайлов (референдум) комиссиялари аъзоларининг малакасини ошириш ва ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш;

Бешинчи, сайлов (референдум) комиссиялари фаолиятининг моддий-техник таъминотини яхшилаш, уларнинг фаолиятини молиялаштириш самарадорлигини ошириш;

Олтинчи, сайловларга (референдумга) тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида хорижий давлатлар тажрибасини ва халқаро амалиётни ўрганиш, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар сайлов органлари билан ҳамкорлик доирасини кенгайтириш;

Еттинчи, МСК фаолиятининг, сайлов жараёнларининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, жамоатчилик билан алоқаларни ривожлантириш, аҳоли ҳамда сайлов жараёни бошқа субъектларининг электорал маданиятини юксалтириш.

МСК фаолиятининг асосий йўналишлари ва 2023 йилдаги устувор вазифаларидан келиб чиқиб, 2023 йилнинг биринчи ярим йиллигида 43 та банддан иборат Тадбирлар режасининг 39 та банди ижроси таъминланди. 4 та банд ижросини кейинги ярим йилликка кўчириш таклиф этилмоқда. Биринчи

ярим йилликда Комиссиянинг 31 та мажлиси ўтказилиб, кун тартибидаги масалалар бўйича 110 та қарори қабул қилинди.

Комиссия мажлисларида сайлов жараёнлари ва сайлов қонунчилигини қўллаш амалиётини ўрганиш натижалари, Ўзбекистон Республикаси референдуми ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, шунингдек 2023 йил биринчи ярим йилликка мўлжалланган иш режаси ижросининг биринчи чорақдаги таҳлили каби долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Комиссияда кадрлар салоҳиятини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш, ходимларни хизмат сафарига юбориш ва ваколатга доир бошқа масалалар юзасидан МСК Раисининг 29 та фармойишлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституциясидан келиб чиққан ҳолда марказлашган сайлов органлари тизимини жорий этиш бўйича тегишли қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

2023 йил 6 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун билан “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги Қонунига ҳамда Сайлов кодексига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни инобатга олган ҳолда МСКнинг қарорлари хатловдан ўтказилиб, 10 та низом ва йўриқномаларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича қарор лойиҳалари ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

“Сайлов (референдум) участкасини аниқлаш” ва “Сайлов (референдум) участкасини ўзгартириш” бўйича интерактив давлат хизматлари такомиллаштирилди ва фаол ҳолатга келтирилди.

Ўзбекистон Республикаси референдуми ва муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига оид қонунчилик ҳужжатлари тўплами ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида чоп этилди, маҳаллий кузатувчилар учун эслатма, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия ходимлари учун эслатмалар чоп этилди.

Аҳолининг электорал маданиятини юксалтириш, сайлов ва референдум моҳиятини ёритиш, сайлов ва референдумларда иштирок этиш тартиб қоидалари ҳақида тўққиз турдаги тарқатма материаллари (плакат, флаер, кўргазмали қурол, инфографика ва бошқалар) тайёрланиб, мақсадли тарзда фойдаланувчиларга етказиб берилди.

Комиссия томонидан 2023 йил 16 мартда қабул қилинган “Референдум ўтказувчи комиссиялар аъзоларининг малакасини оширишни ташкил этиш ҳақида”ги қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда референдум ўтказувчи комиссиялар аъзоларининг малакасини ошириш бўйича ўзаро ҳамкорликда тегишли ўқув дастури ва ўқув

материаллари тайёрланди, жами 150 нафар республика тренерлари, 977 нафар худудий тренерлар, 130 мингдан зиёд сайлов комиссияларининг аъзолари учун семинар-тренинглар юқори савияда ташкил этилиши ва ўтказилиш таъминланди.

Шу билан бирга, референдум ўтказувчи комиссия аъзоларини Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимида ишлаш бўйича малакасини ошириш мақсадида каскад усулидан фойдаланган ҳолда 3 босқичли ўқув-семинарлари ташкил этилди. 30 нафар ИТ-мутахассислари бўлмиш республика тренерлари, 600 нафар худудий тренерлар, референдум ўтказувчи участка комиссияси аъзоси бўлган жами 21 516 нафар операторлар СЖБАТда самарали ишлаш учун ўқитилди.

МСК томонидан 2023 йил 19 май куни қабул қилинган 1261-сонли қарори билан “Муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи комиссиялар аъзоларининг малакасини оширишни ташкил этиш концепцияси” тасдиқланди ҳамда мазкур концепцияга мувофиқ, юқорида қайд этилган усулда сайлов комиссиялари аъзоларининг сайлов қонунчилиги ва амалиёти бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларини янада юксалтириш мақсадида учта йўналиш ва уч босқичда ўқув-семинарлари юқори савияда ташкил этилиши ва ўтказилиши таъминланди.

Ўз навбатида, ўқув-семинарларда фойдаланилган барча ўқув материаллари (сайлов қонунчилигига оид қонун ҳужжатлари, маърузалар, видеодарслар, инфографикалар, қўлланмалар, видеороликлар, аудио-дарслар, тест саволлари, кейслар) МСК томонидан Рақамли технологиялар вазирлиги билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган “**Saylov2023**” мобил иловасида электрон шаклда жойлаштирилди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида сақланаётган сайлов жиҳозлари маҳаллий ҳокимликлар томонидан иқтисодиёт ва молия бўлимлари билан ҳамкорликда хатловдан ўтказилди. МСК томонидан сайлов жиҳозларини тўғри, сифатли ва яроқли ҳолда сақлаш учун махсус видеоқўлланма тайёрланди ва худудларга етказиб берилди. Барча туман ва шаҳар ҳокимликларида сайлов жиҳозларининг сифатли сақланишига масъул бўлган моддий жавобгар шахслар тайинланди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи – давлатлари сайлов органлари раҳбарларининг Маслаҳат кенгаши биринчи мажлиси 2023 йилнинг 8 июль куни Тошкент шаҳрида ўтказилди. Унда МДХ мамлакатлари сайлов органлари ва Бутунжаҳон Сайлов Органлари Ассоциацияси ва Осиё Сайлов Органлари Ассоциацияси вакиллари иштироки таъминланди.

МСКнинг аъзолари ҳамда Котибияти ходимларининг халқаро кузатувчи сифатида Қозоғистон Республикасида бўлиб ўтган Парламент Мажлиси сайловларида, Туркманистон Республикасида бўлиб ўтган Парламент

сайловларида, Туркия Республикасида бўлиб ўтган Президент сайловида иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси референдуми ва муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови даврида халқаро кузатувчилар ташрифи доирасида МСК Раиси ва аъзоларининг халқаро ташкилотлар кузатувчилари миссияси раҳбарлари бошчилигидаги делегация вакиллари ва хорижий давлатлар сайлов органлари раҳбарлари бошчилигидаги делегациялар ҳамда Халқаро миграция ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакиллари билан жами ўттиздан ортиқ расмий учрашувлари ўтказилди.

МСК Матбуот марказида ОАВ вакилларининг сайлов ва референдум жараёнларини холис ва шаффоф ёритиб бориши, аҳолига унинг босқичлари ҳақида ахборот беришни ташкиллаштириш бўйича учта семинар-тренинг бўлиб ўтди.

МСК расмий веб-сайтида, ижтимоий тармоқларда сайлов ва референдум ташкилотчилари ва сайлов (референдум) комиссиялари фаолиятига доир медиа маҳсулотлар, аҳолининг электорал маданиятини оширишга қаратилган материаллар доимий тарзда бериб борилди.

Жумладан, 2023 йил дунё мамлакатларида ўтказиладиган сайловлар туркумидан Африка, Америка, Европа ва Осиё қитъаси бўйича маълумот тайёрланиб, МСК расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига жойлаштирилди.

МСКга 2023 йил январь – июнь ойлари оралиғида жами 534 та мурожаат келиб тушди. Шундан 297 таси Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси орқали, 237 таси фуқаролар томонидан бевосита ташкилотнинг ўзига юборилган мурожаатлар бўлиб, уларнинг 66 таси ёзма, 125 таси оғзаки ва 46 таси МСКнинг веб-сайти орқали юборилган электрон мурожаатдан иборат. Барча мурожаатлар Сайлов кодекси ҳамда “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун талабларига мувофиқ кўриб чиқилди.